

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY QUR'OL
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 4 сентябрь, № 174 (4837)

Жума

МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.



Ёшиқда олинган билим тошга битилган нақшга қиёсланади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёш авлод тарбиясига нечоғли жиддий эътибор қаратилса, унинг самара ва натижаси ҳам шунга яраша — барвақт кўзга ташланади. Юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида бугун мамлакатимиз ўқув масканларидаги шарт-шароит тубдан яхшиланди. Мактабларда таълим сифатининг оширилиши, тарбия беришнинг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани, фарзандларимизнинг иқтидор ва салоҳияти юзага чиқарилаётгани соҳадаги изчил ислохотлар мевасидир.



ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДАЛАРИ

Кеча мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида “Билимлар куни” тадбири катта тантана билан ўтказилди.

Аёнки, ҳар бир юртнинг буғуни ва келажаги том маънода, мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи — шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли ва тақдирга вобаста эканлигини бугун барчамиз яхши англаймиз. Юртимизда таълим тизими ривожига кенг эътибор қаратилганлиги замонида ҳам ана шу мақсад, яъни фарзандларимизнинг келажақ тақдирини ўйлаш ор-

Биринчи кўнғирок

ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисидаги Фармони ва унга мувофиқ, қисқа муддатларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолини ҳам кўриш мум-

кин. Таълим соҳасини ривожлантиришда туб бурилиш ясаган мазкур ҳужжатга мувофиқ, барча умумтаълим мактабларининг шарт-шароити ва ҳолати кайтадан ўрганиб чиқилди. Шунга кўра, 2004-2009 йилларда 8500 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 351 та янги мактаб биноси қурилганлиги, 2470 та мактаб биноси мукаммал таъмирдан чиқарилганлигини қайд этиш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 44-мактабда бўлиб ўтган “Билимлар куни” тадбири нафақат ўқувчи ва ўқувчиларда, шу билан бирга, ота-оналар, маҳалла фаолларида ҳам катта таассурот қолдирди.

Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!
Ўзбекистон Республикаси миллий байрамини нишонлаш муносабати билан Жазоир халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан Сизга самимий табрикларни изҳор этиб, мустақам соғлиқ ва бахт, қардош ўзбек халқига эса тараққиёт ва равақ тилашдан бағоят мамнунман.
Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимизни бирлаштириб турган дўстона алоқалар ва ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш борасида Сиз билан биргаликда ишга тайёр эканлигимиз маълум қилишдан бахтиёрман.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз Бутефлика,
Жазоир Халқ Демократик
Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга улкан мамнуният бағъ этади.
Мамлакатларимизни боғлаб турган дўстлик ва биродарлик алоқалари, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорлигимиз халқларимиз манфаати йўлида келгусида янада ривожланишига аминман.

Сиз, Жаноби Олийлари, мустақам соғлиқ ва муваффақият, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз.

Зиллура Раҳмон,
Бангладеш Халқ Республикаси
Президенти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сўнги йилларда икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва анъанавий ҳамкорлик мустақамлаштириш ва ривожланишда давом этаётганини мамнуният ила қайд этаман. Мамлакатларимиз келгусида ҳам икки давлат халқлари фаровонлиги, дунёда тинчлик ва тараққиёт йўлида ўзаро ҳамкорликни, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни янада кенгайтиришига қатъий ишонаман.

Ўзбекистон Республикасига равақ, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат тилайман.
Сизга, Жаноб Президент, мустақам соғлиқ, бахт ва масъул вазифангизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

Нгуен Минь Чьет,
Вьетнам Социалистик
Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг буюк Мустақиллиги куни муносабати билан Шри-Ланка ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига энг самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буюк ҳам мустақамлаштириш ва кенгайтириш боришига ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва Ўзбекистон Республикасига фаровонлик тилаб қоламан.

Махинда Раджапакса,
Шри-Ланка Демократик
Социалистик Республикаси Президенти.

Бугун ҳар бир юртдошимиз — гўзал Ўзбекистон тупроғини кўзига тўтиб қилиб яшаётган инсонлар қалбида чексиз қувонч, гурури-ифтихор туйғулари жўш ўрмақда. Зотан, она-Ватанимиз ўзининг 18 йиллик янги тарихи давомида том маънодаги буюк ўзгаришларни бошдан кечирди, миллий қадриятларимиз, асрий анъаналаримиз қайта тикланди, қадр топди.

ҚАЛБЛАР ҒУРУР ВА ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

Улуғ аждодларимизнинг таваллуд тўйлари, қадимий шаҳарларимиз, бебаҳо қадриятларимиз билан боғлиқ тарихий саналар халқро миқёсда кенг нишонланаётгани, байрам қилинаётганини ана шундай эзгу ишлар қаторида фахр билан тилга олишимиз мумкин.

йиллигига муносиб тухфа бўлган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи Президентимизнинг мазмунли, мароқли маърузалари билан янада улкан мазмун ва моҳият касб этганлиги диққатга сазовор. Мен ушбу маърузани сиёсий, ижтимоий-маънавий, тарихий-қийсий таҳлилнинг яхлит кўриниши сифатида қабул қилдим.

Маърузанинг теран мазмунини ўқиб, ўзлаштириш зарур ва жоиздир. Англадимки, пойтахт — юрт қиёфаси, мамлакатнинг юз-кўзи. Шундай экан, юрт жамолини намоён этадиган ҳар бир эзгу ва хайрли иш тарихий аҳамиятга эга. Бинобарин, Тошкент нафақат юртимиз, минтақамиз, балки Президентимиз алоҳида эътироф этганидек, бутун дунёнинг ривожланиб бораётган асим шаҳри, замонавий, гўзал ва обод мегаполисидир. Унда турли миллат вакиллари эмин-эркин яшаб, тинчлик ва осойишталик муҳитида фаролият кўрсатмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Фаргона: ЮКСАЛИШНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Гўзал Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёналари шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбини фахр-ифтихор туйғуси билан лиммо-лим тўлдирмоқда. Зеро, Истиқлол йилларида ўз қаддини, ўз қадрини тиклаган юртимизда рўй берган туб ўзгаришлар дунё ҳамжамиятини ҳайратга солмоқда.

Ўзбекистоннинг бир бўлаги — Фаргона вилоятининг яқинда қайтадан таъмирланиб, устунларига жило берилган “Мустақиллик дарвозаси” — Фаргона остонасига қадам қўйганингизда эса кўнглингиздан янада ажиб туйғулар кечади.

Сабаби, дарвозанинг ўзиёқ шу худуднинг юзи-кўзини намоён этади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзининг гўзал табиати, пуриқор тоғлари, ҳайбташхон дарёлари, ширин-шакар мевалари билан донг таратган Фаргона вилоятининг маркази айнан шу ердан бошланади. Уткир дидли, нозик табиати, хушқичақ, оқил ва бунёдкор фарғоналикларнинг дил дарвозаси — ҳайрат дарвозаси бу. У доимо барча учун очик.

Фаргона деб аталмиш жаннатоманд ўлкани кезсангиз, унинг тарихи зарварларини арақсангиз, меҳнат аҳли билан суҳбат қурсангиз, Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, имон-эътиқодли халқимизнинг қўнқудратини, яратувчанлик салоҳиятини, ақл-идрокини яна бир қарра хис қиласиз. Шу билан бирга, кўнра тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга, дийримида етишиб чиққан минглаб алломаю адиблар, олим мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурхониддин Марғинович, Зебунисо, Фурқат, Муқимий, Хувайдо каби фозиллар дунёга келган Фаргона кундан-кун яшариб, гуллаб-яшнаб, ҳар томонлама юксалишга юз тутаётганига гувоҳ бўласиз.

Дарҳақиқат, ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни давом этаётганига қарамай, бу вилоятда уни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят бўйича янги худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 6,1 фоизга ўсди. Айниқса, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқилган 29 та лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 40,4 миллион долларлик сармоғи тежаб қилиниши билан бирга, қўшимча равишда 873 та янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг омонатларидаги қўйил-малари эса 22,4 миллион сўмга өтди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан таққосланганда 24 фоиз кўнғидир.

Халқимизда “Қатрада кўёш акс этади” деган ибратли ҳикмат бор. Шу маънода, юртимизда Истиқлол берган имкониятлар тўғрисида иқтисодиётнинг барча жаб-халарида юз берган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини Фаргона вилояти мисолида ҳикоя қилиб беришга аҳд этдик.



Кўпчилиكنинг ризқи

Аброржон Пирматов бошлиқ фермер хўжалиги галла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарган кун қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Сабаби, аввало, Аброржон шу кунни 30 ёшга тўлди, қолаверса, режани ундаб, эл олдига юзи ёруғ бўлди. Бундан ортик шодиёна бўладими?

Риштонликларнинг айтишича, Аброржон — мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга фаол муносабати, дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб, фермерлик ҳаракатини ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда том маънода халқчилуви кўчга айлантираётган янги замон ёшларидан бири. У ёш бўлса-да, кўпчиликка бош бўлиб, юксак натижаларга эришмоқда. Жумладан, Аброржон раҳбар бўлган “Саховатли замин” фермер хўжалигида 57,7 гектар майдоннинг ҳар гектарида 76,2 центнердан галла ҳосили олиниб, 440 тонналик хирмон уюлди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ — БИР ГУЛШАНИНГ ЛОЛАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаган тантанали маросимдаги табрик сўзида ўтган вақт мобайнида кўпни кўрган, меҳнат-каш ва бағрикенг халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувлигини асраш ва мустақамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етганини таъкидлади.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200

лика Байналминвал маданият маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиздаги барча миллий маданият марказлари, турли жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Байналминвал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини юксалтириш, юртимизнинг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати хабар қилади

2009 йилнинг 29 август кунини таъминан соат 18.30 да 1-шаҳар касалхонасининг атрофида, “Кўкча” масжиди яқинида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-ўй, 3-хонадон манзилда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан мукддлад Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қўтилик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, ҳаржик террористик марказда ҳарбий тайёргарлик ўтган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган, жиний гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшодович йўқ қилинган.

Хозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб борилюмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иқrorий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиний гуруҳ билан тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни ва Сиз орқали мустақил Ўзбекистон халқини қутлуғ саналар — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда унинг гўзал пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этишга ихозат бергайсиз.

Мустақиллик йилларида Сизнинг фидокорона раҳбарлигингизда халқ фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва мамлакат иқтисодий тараққиётини мустақамлаш борасида сезиларли натижаларга эришилди. 2009 йил биринчи йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижалари бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент халқлар ва давлатлар ўртасидаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик рамзи ўларок, Марказий Осиёнинг энг йирик мегаполиси сифатида минтақамиз доирасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар ҳамкорликда

муҳим аҳамият касб этиб келган ва келади.

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ривожлантириш ва мустақамлашга, унинг бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорлигига бундан бундан ҳам салмоқли ҳисса қўшишга аминман. Бу эса бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислиги Ташкилот доирасида иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилган янги шартномалар ва улкан муваффақиятлар ифодаси бўлишига ишончим комил.

Ўзбекистон халқига чин қалбдан тинчлик, фаровонлик, тараққиёт ва равақ тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, юксак эҳтиромимни изҳор этмаман.

Болат Нурғалиев,
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислам Абдуганиевич Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганнинг 18 йиллиги ҳамда қутлуғ сана — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин қалбдан табриқлайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқаро майдонда мамлакат мақоми мустақамлашда сезиларли ютуқларга эришди. Сизнинг раҳбарлигингизда республика давлат қуролини, миллий иқтисодиётни шакллантириш ва миллийлараро тотувликни таъминлаш борасида ўз қўлини топа билди. Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги мамлакат учун муҳим бўлган яна бир сана — маданий-тарихий мероси бебаҳо бўлган Марказий Осиёнинг кўча ва мангу навиқрон жавоҳири — Тошкентнинг 2200 йиллиги билан бир вақтда нишонланмоқда.

ЮНЕСКО томонидан Тошкентнинг 2200 йиллигини байрам қилиш тўғрисида махсус резолюция қабул қилинган, Ўзбекистон ва унинг тарихига маърифий дунё томонидан билдирилётган самимий қизиқиш ва қўрқатилётган эътибордан далоят беради.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги яхши қўнчилик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик, аънавий дўстлик ва ўзаро ҳурмат тамойил-

лари асосида муваффақиятли ривожланаётган Россия — Ўзбекистон муносабатларининг бугунги юксак даражаси икки томонлама алоқаларнинг очиқ ва ўзаро ишончга асослангани, биродар халқларимиз манфаатлари ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида бундан бундан ҳам мустақамлашишга ишонч уйғотади.

Ортингизда Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Факулдада ва мухтор элчи-си лавозимда фаолият қўрсатган йилларини, шубҳасиз, ҳаётимизда энг қизиқарли ва сермазмун дамлардан бири бўлди. Ўзбекистонликларнинг мўҳимдўстлиги ва самимийлиги, бетакор миллий урф-одатлари ва аънаёлари ҳақидаги илиқ хотиралар менинг қалбимда абадий муҳрланиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, ўз самимий эҳтиромимни изҳор этмаман, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равақ тилаб қоламан.

Ф. Муҳамметшин,
Россия Федерацияси Президентининг МДҲга аъзо давлатлар билан алоқалар бўйича махсус вакили, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, хоризда яшовчи ватандошлар ва халқаро гуманитар ҳамкорлик бўйича федерал агентлик (Росоттунчиство) раҳбари.

ҚАЛБЛАР ҒУРУР ВА ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

таъйинларга дуч келгани ҳали-ҳануз яхши эслаймиз. Фақатгина мустақиллик бу улғу болларимизнинг номлари ва бебаҳо меросини халқимизга қайтариб берди. Мустақиллик йилларида эришилган улкан тарихий ютуқларимиз, беки-ёс ислохотларимиз самараси бунинг ёрқин исботи бўла олади. Президентимизнинг ушбу маърузасини эшитган, ўқиган ҳар қандай инсон, агар Тошкентни кўрмаган бўлса ҳам, гуё шахримиз кўрқу жамолини ўз кўзи билан кўргандек бўлади ва қалбида пойтахтга келиб, ундаги бетимсол ўзгаришларни томоша қилиш орузи туғилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу ёруғ кунларни не-не аждоқлар, ота-боболаримиз оруз қилиб, армон билан ўтдилар. Бир пайтлар Тошкент давлат университетига марҳум устозларимиз жаҳид маърифатпарварлари иҳодини ўрганиш учун қанчалик таъбиқ ва

Шундай дамларда такрор-такрор амин бўламанки, ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда ёшлар тарбиясига бугунгидек қатта эътибор ва ғамхўрлик қўрсатилмаган. Кейинги тўрт-беш йилнинг ўзида биргина Тошкент шаҳрида қанча-қанча мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири куриб, ишга туширилди. Уларнинг орасида дунёдаги нуфузли университетларнинг филиаллари борлиги барчамизни қувонтиради. Халқаро Вестминстер университети, Сингапур институти, Турин университети, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиаллари шулар жумласидандир. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яқинда Ўртабшқимиз ташаббуси ва бошчилигида Термиз давлат университетининг янги биноси очилди. Бундай хайрли ишларни, бунёдкорлик намуналарини кўриб, беихти-

ёр куч-ғайрати жўшиб кетади инсоннинг. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бундай илм даргоҳларида ўқийётган, билим олаётган ёшларимиз, чиндан ҳам, ҳеч қимдан кам бўлмайди, юртимиз шон-шухратини дунёга таратадиган ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб етишади.

Биз, олимларнинг олдимизда турган энг қатта вазифамиз, таъбир жоиз бўлса, бурчимиз ана шу буюқ ўзгаришларни, Ватанимизнинг истиқлол йилларида кечган тарихий ҳаққоний қилиб яратиш, бу тарихни ёш авлодга, дунё қаҳлига етказишга ақлида қилиб, иқтидорли ва салоҳиятли мутахассисларни тарбиялашдан иборат бўлиши керак. Ва албатта, бу йўлда бор билим ва таърибамизни аямасдан меҳнат қиламиз.

Абдугафур РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Раёси аъзоси.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ҳар йили энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида биринчи курсга қабул қилинган курсантларнинг қасамёди қилиш маросими ўтказилади.

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Аънавий таъбир бу йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига ҳамроҳанг тарзда янада кўтаринки руҳда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, билим юрти раҳбарияти ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган маъзур маросимда Президентимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва билим юртлирида ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда маъзур олий ҳарбий ўқув юрти курсантлари сафига қўшилган йигитлар орасида қашқадарёлик Хумоюн Мухамедов ҳам бор.

— Кўтоб туманидаги касб-хунар коллежини тамомлаб, бу ерга ҳужжат топширган эдим, — дейди Х. Мухамедов. — Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, юртимизнинг маъзур нуфузли ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттириш бахтига мушарраф бўлганимдан қувончим чексиз. Мақсадим — етуқ кадр, офицер бўлиш ва элу юртимга ҳақидат билан хизмат қилиш.

Тантанали маросимда курсантларнинг кўргазмалли чиқишлари намойиш этилди. Курсантларнинг ҳарбий қасамёди қабул қилиниши бағишланган шундай тантанали таъбирлар мамлакатимиздаги бошқа ҳарбий билим юртлирида ҳам бўлиб ўтди.

Х. САЛИМОВ,
Ў.А. муҳбири.

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, 3607 та мактаб ёниси капитал, 2072 та иншоот эса жорий таъмирланди.

Умумийлик дастурда мактаб биноларини янгилаш ва таъмирлашни замонавий ўқув хўжалилари, компьютер технологиялари, дарсликлар билан таъминлаш, ўқитувчилар маълумоти ошириш ҳамда мактабларда спорт базасини мустақамлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада ҳам ибратли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Масалан, таълимнинг мазмунини белгиловчи Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тақомиллаштирилган вариантлари ишлаб чиқиш, 2004-2009 йилларда босқичма-босқич таъриб-синовдан ўтказилди. Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд Давлат таълим стандартлари янгидан таъриб қилиниб, ўқув дастурлари модернизация қилинди.

...Аънавага кўра, янги ўқув йилининг биринчи сабоги мактабларда Мустақиллик дарси билан бошланди. Бу гал ҳам мустақиллик дарсларида мамлакатимиздаги жами 9769 та мактабда тахсил олаётган 5 миллион нафардан зиёд

ўқувчи халқимизнинг энг буюқ ютуғи бўлиши мустақиллик биз учун эълимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гарови эканлигини ҳаётий воқелиқлар мисолида яна ҳам чуқурроқ англаб етмоқда. Мустақиллик дарсларида Президентимизнинг «Юксак маънавият — энг гилмас куч» асаридан асосда «Инсон қалбига йул» мавзусидаги машғулотлар ташкил этилди.

— Ёшларимизнинг юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб камол топиши, уларнинг фаровон келахонини таъминлаш йўлида бугундан ҳаракат бошлашимиз лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактаби директори ўқув Худоберова. — Мактабларнинг моддий-техник базасини мустақамлашга, фарзандларимизнинг замонавий асосда пухта билим олишини таъминлашга қаратилган эътибор бугун ҳар биримизни қувонтирмоқда. Истиқлол йилларида бунёд этилган мухташам ва кўркам ўқув масканларида ёшларга сабоқ бераётган ўқитувчи ва мураббийлар бундай ғамхўрликдан руҳланиб, ўз ишига садоқат билан ёндашишга ҳаракат қилаётди.

Маълумки, юртимизда ҳар йили янги ўқув йили бошида мактабга илк бор қадам қўйган барча биринчи синф ўқувчиларига Президент совгалари — ўқув қуроллари ва дарсликлар тақдим этиш эзгу аънавага айланган. Жорий йилда ҳам биринчи синфда ўқишни бошлаган 477 миң нафардан ортиқ ўқувчига 14 миллиард сўм қийматда 12 номдаги ўқув қуроллари совға қилинди. Бундан ташқари, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, хусусан, 1-9 синфларда ўқийдиган 647231 нафар ўғил-қизни қишки қийим-бош билан таъминлаш кўзда тутилган. Шуниси аниқки, бу сингари эзгуликлар бизни буюқ келажак сари ақинлаштирмоқда. Зотан, истиқлолнинг ўтган ўн саккиз йили давомида, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу табарруқ заминда истиқомат қилаётган одамларнинг онгу тафаккури тодан ўзгаргани, улар қалбига шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги кунини учун масъулман, деган даҳлдорлик туйғусининг тобора кучайиб бораётгани бугун биз қураётган жамиятнинг энг мустақам пойдеворидир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



БИЗ — БИР ГУЛШАННИНГ ЛОЛАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш борасида олиб бораётган ишларда миллилараро тотувлик, динлараро баргиреңлик таъминлашга қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда ягона оила фарзандларидек аҳил яшаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан бир ҳаёт кечириб, меҳнат қилиши, миллий урф-одат ва аънаёларининг ривожланиши, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Илчиллик билан амалга оширилётган илохотлар натижасида иқтисо-

диётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражасининг ортиб боришида турли миллат ва элат вакиллари муносиб ҳиссаси бор.

Тадбирда юртимиздаги миллий маданият марказларининг бадий жамолари иштирокида истиқлолнинг, жонажон пойтахтимиз, халқимизнинг буюқ бунёдкорлик салоҳиятини тараннум этувчи байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири,
Асқор ЁҚУБОВ
олган сурат.



Фарғона:

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг 172 тоннаси давлатга сотилган бўлса, 266 тоннаси хўжалик аъзоларига қолди. 2 тоннадан зиёди эса қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга тортиқ қилинди. Вилоятда бугун «Саховатли замин» сингари фермер хўжаликлари 14 миң 600 тадан зиёд. Улардан 13,5 миңгача пахта ва галла етиштиришга ихтисослаштирилган. Айни чоғда фермерлар секин-аста агросаноат тизимининг бошқа тармоқлари тизгинини ҳам ўзи қўлларига олишяпти. Бундан ташқари уч йил олдин фермерлар вилоятда тайёрланаётган паррандачилик маҳсулотларининг бешдан бир қисмини етказиб берган бўлсалар, бугун уларнинг бу тармоқдаги улуши 70 фоиздан ошиб кетгани бунинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, полив ва сабзавот маҳсулотларининг 75-80 фоизи ҳам фермерлар томоғасида етиштириляпти.

Айниқса, фермер хўжаликлари ерларининг оптималлаштирилиши бу ҳаракатнинг ривожига янги руҳ бағишлаб, ўзига хос йўналиш берди. Буни Охунбоев туманидаги

«Қорахўйда Роввот» фермер хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилдан бошлаб ушбу хўжаликнинг экин майдони 222 гектарга етди. Шу билан бирга, хўжалик аъзоларининг ерга муносабати ва жавобгарлиги ошди. Буларнинг бари бир йилдаёқ ўз самарасини кўрсатди. 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан галла ҳосили етиштирилиб, шартнома мажбурияти 111 фоизга уддаланди. Бу уларнинг эртанги кунга, фермерлик ҳаракатига ишончини янада мустақамлади.

Учкўприк туманидаги Маъруфжон Деҳонов раҳбарлик қилаётган «Учкўприк бирдамлик боғи» фермер хўжалигида эса 79 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 57 центнердан дон йиллаштириб олинди. Шартнома мажбурияти эса 120 фоизга бажарилиди. Натижада хўжаликнинг ҳар бир аъзоси хонадонига 30-35 қордан дон улашяпти.

«Шоҳимардон сўт» маҳсулотлари

«Ёрдон» фермер хўжалиги вилоятнинг энг жанубий нуқтаси — Шоҳимардон тоғлари орасидаги

гир ҳисобланади. Шунингдек, «Ғойиб» ва «Ал-Азиз» фермер хўжаликлари ҳам сўт сотиб олинапти. Ҳар кун корхонада бир ярим тонна атрофида сўт қайта ишланиб, Мариолон ва Фарғона шаҳарларидаги савдо дўконларига, корхонанинг фирма магазинига чиқариломоқда. Эътиборлиси, «Шоҳимардон сўт» маҳсулотлари бошқа корхоналар ва фирмалар маҳсулотларига нисбатан деярли тенг борабарга арзон. Қиёс: вилоят дўконларида «Нестле» кўшма корхонасининг қадокланган бир литр сўти 1800-2000 сўм бўлса, «Шоҳимардон сўт»нинг шу ҳамдаги пакетли сўти 700 сўмдан ошгани йўқ.

Ёрдон қишлоғида биринчилардан бўлиб ташкил этилган. Маъзур хўжалик аъзолари, асосан, чорвачилик билан шуғулланишади. Хўжалик жорий йилда «Ташаббус» қуриқ-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуқда хўжалик таркибидagi «Шоҳимардон сўт» ишлаб чиқариш корхонасининг ҳиссаси катта бўлди, албатта. Гал шундаки, маъзур корхона раҳбарлари Фарғона шаҳридаги сабоқ гўшт комбинатининг ишлаб чиқариш биноларини сотиб олиб, қатик, қаймоқ, творог, қайнатилган ва қадокланган сўт, дудланган «Сервилат», «Кракоф» ҳамда бугундан «Докторский» ва «Любительский» қолбасалари тайёрланаётган цехларга айлантиришган. Хом ашёни, асосан, фермер хўжалиги етказиб бераётди. Чўчки комплекс усулда қурилган фермада 271 бош қорамол парварши қилиняпти. Уларнинг 105 боши соғин си-

Ишлаб чиқариш тармоғини фақат фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида эса қишлоқда 30 бош насли буюқ сотиб олиниб, сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати янада оширилди.

Биёбондан хёибонга

Юртимизда ўзини ўзи бошқариш тақомиллаштириш фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги илҳобий ўзгаришларни Фарғона шаҳридаги Мустақиллик маҳалласида кузатиш мумкин. Мустақиллик маҳалласига юр-

тимиз Истиқлолга эришган йилларда шаҳарнинг «Беш бола» мавзесида илк пойдевор қўйилган эди. Утган қисқа вақт ичида биёбон ер чинакам хёибонга айланган. Маҳалла бунёд этилаётган йилларда дунёга келган Шоҳида Одилова ва Мафтуна Исмомилова бугун 18 ёшга тўлиб, янги ҳаётга дадил одим ташляпти. Маҳаллада истиқомат қилаётган 3200 дан зиёд аҳолининг онахони Ҳабибихон буви Алихоннова эса 95 ёшга қаршилади. У шу йил баҳорда ўз қўли билан эккан мевали дархатларнинг неъматларидан бир асприк тўйида дастурхон тузаш ниятида эканлигини завқланиб

гапиришдан чарчамайди.

Шаҳарда бу маскани «Ёшлар маҳалласи» деб айтышади. Чўчки жами аҳолининг 40 фоизи мустақиллик йилларида дунёга келган ёшлардир. Маҳалла гузарига эса фақат маъмурий марказгина эмас. Бу ерни маҳалланинг ўзига хос истироҳат боғи, маданий-маърифий маркази, дейиш мумкин. Маҳалланинг чор-атрофини боғдорчиликка ихтисослаштирилган 18 та фермер хўжалигининг боғлари қуриб олган. Аҳолининг аксарият қисми мана шу хўжаликларда меҳнат қилади. Чўчки фермерлар беғона эмас. Шу ма-

Ушбу мақоламизда биз Фарғона вилоятининг қатрада қуёш акс этган жўзларидан бир чимдим хўжа қилдик, холос. Зотан, бундай ўзгаришларни, одамлардаги кўтаринки руҳини барча туманлардаги миңдан зиёд маҳаллаларда кўриш мумкин. Буларнинг бари Мустақиллик шарофатидир. Зеро, Фарғона аҳли энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тўёнлари билан кўтиб олди.



Хурсандбек АРАББОВ олан суратлар.

Ушбу мақоламизда биз Фарғона вилоятининг қатрада қуёш акс этган жўзларидан бир чимдим хўжа қилдик, холос. Зотан, бундай ўзгаришларни, одамлардаги кўтаринки руҳини барча туманлардаги миңдан зиёд маҳаллаларда кўриш мумкин. Буларнинг бари Мустақиллик шарофатидир. Зеро, Фарғона аҳли энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тўёнлари билан кўтиб олди.

Ушбу мақоламизда биз Фарғона вилоятининг қатрада қуёш акс этган жўзларидан бир чимдим хўжа қилдик, холос. Зотан, бундай ўзгаришларни, одамлардаги кўтаринки руҳини барча туманлардаги миңдан зиёд маҳаллаларда кўриш мумкин. Буларнинг бари Мустақиллик шарофатидир. Зеро, Фарғона аҳли энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тўёнлари билан кўтиб олди.

Ушбу мақоламизда биз Фарғона вилоятининг қатрада қуёш акс этган жўзларидан бир чимдим хўжа қилдик, холос. Зотан, бундай ўзгаришларни, одамлардаги кўтаринки руҳини барча туманлардаги миңдан зиёд маҳаллаларда кўриш мумкин. Буларнинг бари Мустақиллик шарофатидир. Зеро, Фарғона аҳли энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тўёнлари билан кўтиб олди.

Ушбу мақоламизда биз Фарғона вилоятининг қатрада қуёш акс этган жўзларидан бир чимдим хўжа қилдик, холос. Зотан, бундай ўзгаришларни, одамлардаги кўтаринки руҳини барча туманлардаги миңдан зиёд маҳаллаларда кўриш мумкин. Буларнинг бари Мустақиллик шарофатидир. Зеро, Фарғона аҳли энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тўёнлари билан кўтиб олди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ишсизлар сони ошмоқда

Испанияда ишсизлар сони кескин ўсиб бормоқда, деб ёзади хориж оммавий ахборот воситалари.



Статистика маълумотларига қараганда, август ойида мамлакатда ишсизлик даражаси 2,4 фоизга ошган. Оқибатда ишсизлар сони 3,6 миллион кишига етган. Шу ўринда келтириб ўтиш керак, июль ойида мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли 19,5 фоиз аҳолиси ишсизлик мақомига эга бўлган. Ачинарлиси, Испания ҳозирда Европа минтақасида бу борада энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб турибди.

Германияда ҳам август ойида ишсизлик даражасининг ўсиши кузатилади. Жумладан, ўтган ойда мамлакатда ишсизлик даражаси 8,2 фоиздан 8,3 фоизга кўтарилган ва ишсизлар сони 3,47 миллион кишини ташкил қилган. Ҳукумат бу борада бир қатор чора-тадбирларни амалга ошираётган бўлса-да, компаниялар ортқича харажатлардан қочиш мақсадида ходимлар сонини камайтираётгани таажубли ҳолдир, дейилади манбаларда.

Суиқасд уюштирилди


Афғонистонда Миллий хавфсизлик хизматининг юқори лавозимли ходимларидан бири саналган Абдулла Лагмани ҳалок бўлди.



Келтирилишича, Абдулла Лагмани амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракати туфайли ҳаётдан кўз юмган. Лагман музофотида содир этилган мазкур хунрезлик оқиба-тида яна йигирма уч киши ҳалок бўлган. Қурбонлар орасида ҳукуматнинг бир қатор амалдорлари ҳам борлиги айтилмоқда.

Индонезияда zilзила

Индонезияда кучли ер силкиниши содир бўлди.




Мамлакат пойтахти Жакарта шаҳридан 200 километр жанубда кузатилган zilзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,3 баллга тенг бўлган. Табиий офат ўнлаб уйлارни вайрон қилган. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 5000 киши бошқа жойларга кўчирилган. Ер силкиниши аҳолини саросимага солиб қўйган. Оқибатда минглаб одамлар ўз уйлари ташлаб қочишган. Табиий офат 33 кишининг умрига зомин бўлди.

Сейсмологларнинг сузларига қўра, zilзила цунами келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўт балосидан асрасин

АҚШнинг Калифорния штатида кучли ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда.



Хабарларга қараганда, айни пайтга келиб табиий офат Лос-Анжелес шаҳри атрофида "жунбушга келган". "Тилсиз ёв" бу ерда 60 га яқин тураржой биноси ва қарийб 500 квадрат километр ўрмонзорнинг кулини кўкка соворган. Гарчи оловга қарши кенг қамровли кураш олиб борилаётган бўлса-да, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ва эсаётган кучли шамол туфайли уни бартараф этиш қийин кечмоқда.

Катта талафотларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирда мазкур тадбирларга авиация ҳам жалб этилган. Кучли ёнғин содир бўлаётган ҳудудларга ҳаводан ўрни учирувчи махсус суоқликлар сепилмоқда.

Ғалати ҳолат кузатилди

Ҳиндистоннинг Бихар штатида мамлакат тарихида кузатилмаган воқеа юз берди.

"The Mail Today" нашрининг ёзишича, бу ерда юраги кўкрак қафасидан ташқарида жойлашган чақалоқ дунёга келган. Натижада у зудлик билан Дехли шаҳридаги Умухиндистон тиббиёт фанлари институтига жароҳлик амалиёти учун олиб келинган. Шифокорлар гўдакнинг аҳоли ҳақида маълумот беришмаган. Мутахассисларнинг сузларига қўра, тиббиётда бундай ҳодисалар олдин ҳам кузатилган. Норасидалар аксар ҳолларда ўлик туғилар ёки дунёга келиши билан кўп ўтмай нобуд бўлар экан.

20 квадрат метрлик котлет

Ливаннинг Эден шаҳарчасида дунёдаги энг катта котлет тайёрланди, дея хабар тарқатди "France Presse" ахборот агентлиги.



"Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритилган мазкур таом ҳажми қарийб 20 квадрат метрга тенг. Уни тайёрлашда 120 килограмм қўйма гўшт, 80 литр зайтун мойи, 80 килограмм бугдой ёрмаси, 5 килограмм туз ва шунча миқдорда булғор қалампир ишлатилган.

Қимматбаҳо қўй

Шотландияда чорвачилик аукциони ўтказилди.

Этборлиси, савдо-лар чотида янги рекорд ўрнатилган. Яъни, унда "Тексель" зотли қўй 231 минг фунт стерлингга сотиб олинган. Бу борадаги олдинги рекорд кўрсаткичи 134 минг фунт стерлингга тенг эди. Хабар қилинишича, мазкур рекорд беш йил давомида ўзгармаган. Таъкидлаб ўтамиз, ушбу зотли қўйлар Голландияда кенг тарқалган бўлиб, жониворлар асосан гўшт учун боқилади. Буюк Британияда "Тексель" қўйларининг гўшти севиб истеъмол қилинар экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Пахтачилик ва ипакчилик — узоқ тарихни бошдан кечирган ишлаб чиқариш соҳаларидир. Улар ҳақида она-Ўзбекистонимиз иқтисодий тарихида салмоқли ўрин тутган ва бундан кейин ҳам ноҳид миллий бойликларимиздан бўлиб қолавереди.

Модомики, пахтачилик ва ипакчилик — юртимиз ва халқимиз турмушининг ҳал қилувчи омилларидан экан, шу соҳаларга оид илм-фан, таълим-тарбиянинг вужудга келиши, соҳа ривожланишини таъминлайдиган мутахассис кадрларни тарбиялаб, камол топтириш ҳаётий заруратдир.

ТАРАҚҚИЁТГА ҲАМНАФАСЛИК — БОШ МЕЗОН

Мамлакатимизда пахта, ипак каби хом ашёларни етиштириш билан боғлиқ олий босқичдаги таълим-тарбия Тошкент давлат аграр университети ҳамда вилоятлардаги қатор турдош олий таълим муассасаларида амалга ошириб келинаётган бўлса, пахта ва ипак хом ашёларини санавтада қайта ишлаш соҳалари учун мутахассис кадрлар етиштириш эса Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институти илмий педагогик жамоаси зиммасидадир. Институтимиз ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги ягона, таянч олий таълим маркази ҳисобланади.

Мустақиллик даврида худди шу йўналишдаги олий ўқув юрти сифатида унинг мавқеи янада мустаҳкамланди. Бу ердаги таълим-тарбия таърихлари, илмий асарлари халққа микёсда ҳам қизиқтириш орди.

Бунинг эса муҳим ҳаётий сабаблари бор. Аввало шунки, агар яқин ўтмишда Ўзбекистоннинг атиги 7 фоиз пахта хом ашёси ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунга келиб пахта толасининг 30 фоиздан ортиги республика корхоналарида қайта ишланмоқда. Президентимиз белгилаб бераётган вазифаларга қўра, яқин келажикда (2015-2020 йилларда) ватанимизда етиштири-лаётган пахта толасининг асосий қисмини тайёр маҳсулотга айлантириб, экспортга чиқариш страте-гик режаси республикамиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган.

Пировардида, пахтани қайта ишлаш сановати ривожланиш даврига кирган экан, энди бу соҳадаги катта вазифалар ижросини ўз бўйича оладиган мутахассис кадрларни

кўпайтириш ҳам долзарб аҳамият-лидир. Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институти мана шундай улкан сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлар манбаида қайта ту-ғилиб, бугун катта ва истиқболли ривожланиш йўлига қадам қўйди.

Биз бугун компьютерлар ҳисоб-китобига асосланган ва автоматик усулда бошқариладиган янги, тез-қор ва самарали, ўта сифатли иш-лайдиган техника ва технологиялар асрига қадам қўйдик. Пироварди-да, таълим-тарбия, онг-тафаккур ва малака ҳам бугун мана шундай юк-салкиларга кўтарилди. Таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди.

Президентимиз Ислам Каримов-нинг ташаббуси билан ва бевосита раҳнамоликларида мамлакат таъ-лим-тарбия тизимида олиб борила-ётган ислохотлар ажойиб самарала-рини бермоқда. Тошкент тўқимачи-лик ва энгил сановат институтидаги бугунги замонавий моддий-техник база, таълим, ўқув ва амалиёт дасту-рларида, профессор-ўқитувчилар ҳамда бевосита талабаларнинг он-гид, дунёқарашиди, билим-малака-сида юз берган ўзгаришлар ҳам мана шу кенг қамровли, улуғ мақ-садли ислохотларнинг таркибий ва қувонарли натижаларидир.

Сўзимизнинг исботи учун айрим далилларини келтириб ўтайлик. Бун-дан 7-8 йиллар муқаддам Япония ҳукумати билан беғараз, дўстона кўмагида институтга 4 миллион

АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий ўқув-лаборатория жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди. Германиядан эса энг замонавий йигирув машинала-ри келтирилди. Институтнинг мод-дий-техник базаси амалда тамоми-ла янгиланди. Бу жиҳозларнинг ноёблигини тушуниш учун улардан атиги биттасини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчимиз. Япониядан келти-рилган жиҳозлар орасида пахта

Таълим

толасини халқаро талаблар дара-жасида сертификатлаш лаборато-рияси қурилмаляри бор. Шуниси диққатга сазоворки, мана шу лабо-ратория фақат талабалар билим-ма-лакасини оширишгагина хизмат қилиб қолмасдан, айни пайтда мам-лакат пахтачилик завоидлари ҳамда пахтани дастлабки қайта ишлаш ки-чик корхоналари ходимлари учун ҳам малака ошириш мактаби бўлди. Энди бундай лабораториялар рес-публика корхоналарида ҳам пайдо бўлапти. Аммо унинг биринчиси бизнинг институтда эди. Дунё бо-зорида пахта толасининг сифатига талаб ортти бораётган ҳозирги ша-роитда пахтанинг халқаро сертифи-катини мисқоллаб аниқлаб берида-ган мазкур уқуналар жуда ҳам керак ва зарур. Талабалар таълим-тарбиясида бундай янги техника ва технология жиҳозлар муҳим ўрин тутди.

қичқочлик ишларини олиб бориш-да кенг фойдаланилмоқда.

Институтимиз олимлари, аспи-рантлари ва педагогларининг АҚШ, Россия, Англия, Франция, Германия, Япония, Швейцария, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея давлатлари-даги турдош олий таълим муассас-салари, илмий марказлари билан яқин алоқа ўрнатилганлиги ҳам таъ-лим-тарбиянинг замонавийлигини оширишда муҳим аҳамият касб эт-моқда. Сўнгги уч йил ичида про-фессор-ўқитувчиларимиздан 30 на-фардан кўпроги ана шу давлатлар-да малака оширилди, хорижий олимлар билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб бормоқдалар. Унлаб хорижий олимлар институтимиз-да бўлиб, бу ерда тикувчилик, мода ва дизайн муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар-да иштирок этдилар ҳамда талаба-ларимизга маърузалар ўқишмоқда.

Юртбошимиз ўз чиқишларида таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлигини соҳа ходимла-ри олдига доимо муҳим вазифа си-фатида қўймоқдалар. Кадрлар тай-ёрлаш миллий дастурида ҳам бу ва-зифа устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ана шу та-лабдан келиб чиқиб, институтимиз-да таълим ва тарқиқийнинг ўзаро ҳамнафаслигини таъминлаш мақса-дида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда институт ва "Ўзпахташ" очик тур-даги акциядорлик жамияти ўртаси-

да ҳамкорлик шартномаси имзолан-ди. Ушбу шартномада биноан, ав-вал, институтнинг Тўқимачилик ва энгил сановат машиналари ҳамда жиҳозлари ва Пахтани қайта иш-лаш илмий кафедралари ана шу корхонада ўз филиалларини таш-кил этди. Бакалавр ва магистрант талабаларимиздан бир гуруҳи эса корхонада конструкторлик йўнали-шида амалиёт босқичини ўтмоқ-да. Корхона раҳбарияти бу ёш кадр-ларга катта ишонч билдириб, улар-ни доимий ишга қолдиришга қарор қилганлиги бизни мамнун этди.

Бундан ташқари, ана шу завод-да институт олимлари томонидан яратилган техник ва технология иш-ланмалар тақдими ўтказилапти. Юқори самарадорлиги, энергия те-жамкорлиги билан ажралаб тура-диган дастлабки 9 та илмий иш-ланма корхона раҳбарияти томони-дан ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қабул қилинди.

Институтнинг Ипак технологияси, Толали материаллар ҳамда қоғоз-кимё технологияси ва дизайн ил-мий кафедралари олимларининг "Ўзбекистон сановат" ДАК ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам-корлиги ҳам диққатга сазовордир. Ипакнинг қадимий атлас матолари-ни тиклаш, замонавий экспортбоп атлас ва адрас матоларини яратиш, мода ҳамда дизайннинг замонавий талабаларига жавоб берадиган ли-босларни тайёрлаш, атласнинг юви-либ кетмайдиган янги бўёқларини ҳосил этиш, пахта-ипак аралашма-ли матоларни яратиш, ипак чикин-дисидан сифатли қоғоз олиш, та-бобатда қўлланиладиган ипак иш-ларни вужудга келтириш йўналиш-ларида ҳамкорликда қизиқарли ил-мий ишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва энгил сановат корхоналарини рекон-струкциялаш ва модернизация қилиш йўлига давлат миқёсида кат-та ишлар бўйича қўйилган. Демак, кадрларимизга талаб ва эҳтиёж ҳам ошиб боравереди.

Қ. ЖУМАНИЕВОВ,
Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ЛОК KOLOR SINTEZ
қўшма корхонаси

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛОК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВ ҚОПЛАМАЛАР
(деворлар ва шиплар, нам бинолар учун бўёқлар)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
Пол учун ЭМАЛЬ
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
Сановат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМӨВИЙ ТАӨСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Йўл чизгилари учун БЎЁҚ
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛОКЛАР
ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
БИТУМЛИ МАТЕРИАЛЛАР (лок, мастика)
ЭМУЛЬСИОН ЕЛИМИ

МАӨСУЛОТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ:
● ПФ - 115 ЭМАЛИ
● Жилоли ЭМАЛЬ
● Девор ва шифт учун "ИНТЕРЬЕРНАЯ" бўёғи

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли қунари, 13/22. Тел.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63. E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001

қўйидаги манзилда жойлашган: Фарғона йўли қунари, 13/22.

ФИРМА ДЎКОНИ

Ўзбекистон Республикасининг ягона электр энергетикаси тизимини бошқарувчи

«ЎЗБЕКЭНЕРГО»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

(ҳодимлар сони 210 киши) очик танлов асосида ISO 9001:2008 халқаро андозаларга мувофиқ келувчи сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун консултантни танлаш бўйича тендер эълон қилади.

Ўз тақлифларининг тахминий қиймати кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборишининг сўраймиз: 100000, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй. Мўлоқот учун шахс — Халилова Ольга Владимировна. Телефонлар: 236-92-60, 236-93-74. Факс: 233-58-96.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

«ALOGALOYINA»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

лойиҳалаш ишларида тажрибага эга бўлган мутахассислар ҳамда ёш мутахассисларни қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар;
- сановат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминоти.

Манзил: Тошкент ш. Алишер Навоий к., 14-«А» уй. Телефон: 241-60-56.

ВЛАДИМИРСКИЙ ТЕКСТИЛЬ

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

Россиянинг брезент матолар ишлаб чиқарувчи етакчи холдинги «Владимирский Текстиль»нинг расмий ҳамкори

«Гулбахор-Люкс» ХК

Тошкентдаги ошбордан қўйидаги артикуллардаги зиғирпоя толаси аралашган (полульняные) матоларни сотади:

11292 ПВ — сув ўтказмаслик хусусияти юқори бўлган (повышенной водоупорности), зичлиги 550+/-40 гр/кв.м.

11293 ОП — ёнғинга қарши восита шимдирилган (огнезащитная пропитка), зичлиги 480+/-34 гр/кв.м.

Матоларнинг эни — 90+/-1,5 см.

Тўлов шакли — пўл ўтказиш йўли билан.

Буюртмачи танлаган асортимент бўйича техник матоларни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тақлифларни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Тел./факс: (8-371) 276-58-32, Телефонлар: (998 90) 175-58-86, (998 97) 776-46-30.

Яхши хабар

Сирдарё вилоятидаги Янгиер академик лицейи ўқувчилари янги ўқув йилини замонавий таълим даргоҳида бошламоқдалар.

Янги ўқув йили янги бинода

Ғал шундаки, лицей мукамал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча бинолар барпо этилди. Бунинг учун 3 миллиард 600 минг сўм маблағ сарфланди.

975 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ушбу таълим муассасасида ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

ДИҚҚАТ! ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси тарқибиди

ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ БОШ БОШҚАРМАСИДА

тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг муаммоларини муҳокама қилган ҳолда тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида, тадбиркорларнинг мажбур муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш бўйича **«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»** белгиланиб, тадбиркорларни қабул қилиш учун ҳар ойнинг учинчи ўн кунлиги (декадаси) чоршанба кун **«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»** деб эълон қилинди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Табиати муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик экспертиза масалалари бўйича туғилган саволлар, муаммолар ҳақида **239-16-50, 239-16-88** телефонлари орқали ҳамда Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-маъмурий бино, 605-хонага шахсан мурожаат қилишингиз мумкин.

Давлат экологик экспертизаси бош бошқармаси.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедрасининг доценти **Абдулла ХОЛИҚОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МЎЪЖАЗ КОРХОНАНИНГ ДОВРУҒИ

Уйчи туманининг Ўнҳаёт қишлоғилик тадбиркор Тоҳиржон Қосимов хусусий корхона ташкил этганига эндигина уч йил тўлди. Металл ва пластмассадан уй-рўзғор буюмлари, электр жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхона маҳсулотлари қисқа давр ичида харидорлар эътиборига тушди. Корхона етакчисининг ташаббускорлиғи шу ерда меҳнат қилаётган ўн нафар мутахассис-устанинг ҳамжиҳатлиги натижасида қишлоқда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос йўналиши ривожланаётган.

Маҳаллий саноат

Бугун мазкур қишлоқда бўлсангиз, кўпга ота-оналар дилбандларига ичамгина болалар автомобилли олиб беришганига гувоҳ бўласиз. Педаль ёки занжир ёрдамида ҳаракат қиладиган бундай машиналар қишлоқдаги хусусий корхона маҳсулотидир. Шунингдек, бу ерда кичкинтойлар учун ўзи ҳаракатланадиган велосипедча, "Пахлавон" деб номланган ўйинчоқ машинача ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

дан икки йил аввал яратган "Фермер" миникомбайни эса фермер хўжалиқлари, шахсий томорқа эгаларининг мулкига айланган. Чунки унинг ёрдамида кунга бир гектар ташқари, корхонада металлдан арчанув усулда тайёрланган замонавий доразолар, сўриток ҳамда ойнали қийим илгичлар, электрозон, кўра, "Кўёшча", "Гулхан" деб номланган электр иситкичларнинг харидорлари ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда.

Энди ўзингиз айтинг: ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига ўзининг камтарингина ҳиссасини қўшаётган қишлоқдаги мазкур хусусий корхона фаолиятига ҳавасингиз келмайтирми? Зеро, бундай моллашувчан технологияга асосланган субьектлар қанча кўпайган, бозорларимиз турли маҳсулотлар билан тўлиб, янгидан-янги иш ўринлари яратилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ.

Водичиларнинг кезганада... яёв

Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида янги босқични бошлаб берди. Буни Хонободдаги "Андижонкабель" очик акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маҳсулот сифати билан харидоргир



Бир ярим минг нафардан зиёд киши ишлаётган мазкур корхонада асосан кабель-сим ва сим турлари ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Холбуки, илгари улар фақат хориждан келтирилган эди.

янги технологияларни ўзлаштиришга йўналтириш инкирозинг таъсирини камайтириш имконини бермоқда. Корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида рационализаторлик таклифлари доимий қўллаб-қувватланаётган. Шунингдек, хом ашё ҳамда электр энергиясини тежаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш ишлари ҳам доимий эътиборда.

Корхонанинг нафақат бир маромида ишлаши, балки йилдан-йилга ривожланиб бораётгани замирида давлатимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган кўпга хўқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани ва бунинг натижасида яратилаётган шарт-шароитлар мужасамдир. Қисқа вақт ичида импорт ўрни қоплаиб, маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Қозғоғистон, Арманистон сингари давлатларга

да фаолият кўрсатаётган Андижон шаҳридаги механика заводи, Жалақуддадаги "Алёртекс", Балиқчидаги "А. Навойи интернейшнл", Асакадаги "Асакатекстиль" корхоналарида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифат даражасини яхшилашга қаратилган кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоятда қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик бизнесни ривожлантириш, масаласига ҳам жиддий аҳамият берилаяпти.

Хусусан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили мўнасабати билан 7 та қўша корхона ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, унинг 4 таси қишлоқ жойларда очилади. Марҳаматдаги "Полвонтоштекстиль", Жалақуддадаги "Андборсервис" масъуляти чекланган жамияти, Хонободдаги "Инком Тарандубител" хорижий шўба корхоналари эса хозирданок маҳсулот бера бошлади.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

экспорт қилинаётганининг сабаби ҳам шунда. Вилоятда "Андижонкабель"га ўхшаш корхоналар талайгина. Жумладан, Маҳаллийлаштириш дастури доираси-

ционализаторлик таклифлари доимий қўллаб-қувватланаётган. Шунингдек, хом ашё ҳамда электр энергиясини тежаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш ишлари ҳам доимий эътиборда. Корхонанинг нафақат бир маромида ишлаши, балки йилдан-йилга ривожланиб бораётгани замирида давлатимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган кўпга хўқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани ва бунинг натижасида яратилаётган шарт-шароитлар мужасамдир. Қисқа вақт ичида импорт ўрни қоплаиб, маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Қозғоғистон, Арманистон сингари давлатларга

ХИЗМАТИДАН БАРЧА БАҲРАМАНД

Қишлоқ инфратузилмасида почта алоқаси хизматлари алоҳида аҳамият касб этди. Чунки деярли ҳар бир хонадон ушбу хизматдан фойдаланади: кимдир почта орқали кундалик матбуот нашрларини олма, бошқа бири хат, телеграмма, совга-салом қабул қилиб олиши мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Жиззах филиали жамоаси зиммасида ҳам масъуляти вазифалар талайгина. Улар кунига турли номдаги 60 минг хусога яқин газета-журналлари обунчиларга етказиладилар. Филиалнинг Фориш туманидаги "Янги-қишлоқ" почта алоқаси тармоғи ишчи-хизматчилари, айниқса, ўз хизмат вазифаларини сифидилан адо этмоқдалар. Улар хизмат кўрсатадиган тумандаги "Омон-гелди", "Еримбетов", "Дарвоза" алоқа бўлимлари марказдан 280-300 километр узоқликда жойлашган. Шунга қарамай, Янгиқишлоқ алоқа тармоғи бўлимида аҳолидан газ, электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш учун истеъмолчиларга қулай шарт-шароитлар яратилган.

Туманда почта алоқа шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат-

нинг янги турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу мақсадда ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб алоқа бўлимлари жойлашган бинолар туман алоқа тармоғи ҳисобига ўтказилган. Натижада алоқачилар хизмат кўламини янада кенгайтириш имкониятига эга бўлидилар. Жойларда уяли алоқа операторларининг хизматлари ташкил этилаётган. Яқиндан яна бир хизмат тури — электрон почта пул жўнатмалари қабул қилина бошлади. Табиийки, бу жараёнлар почта алоқа тармоғида янги иш ўринлари яратишга омил бўлмоқда. "Учкўлч", "Қорабулоқ", "Учма" каби алоқа бўлимларида қасаначиликни ривожлан-

Интилиш

тириш, қуръерлик хизматини ташкил этиш чоралари қўрилатир. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ихроси йўлида почта алоқа тармоғи ходимлари барча бўлимларда миҳозлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, янада муҳими, почта соҳасида ташкил этилаётган кўшимча хизматларни ҳам олис қишлоқлар хонадонларига етказишни ният қилишган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманда кўча алоқа бўлими ташкил этилгани эътиборга лойиқ. Мазкур бўлим тароқ жойлашган қишлоқларда коммунал тўловларни қабул қилади. Газета-журналларга обуна уюштирилади. Кўча алоқа бўлимида орқали шўшлиқчиномалар, хат-хабарлар ўз вақтида олинаётганидан аҳоли мамун.

Баҳриддин САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий лойиҳалар:

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

ўринларига ҳожат қолмади. Биргина электр энергиясидан ойига 300-350 минг сўмгача тежалмоқда.

Шу билан бирга, Олот ва Қорақўл туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга оид янги лойиҳа ҳам тайёрланди. У жаҳон банкининг молиявий кўмағи асосида амалга оширилади.

Лойиҳага мувофиқ, иккала туман марказларига умумий узунлиги 33 километр булган сув қувурлари тортилди.

"Чандир", "Жумабозор", "Денов" ва "Пахтакор" қишлоқ футбол таъминлашни худудидан комплекс сув тақсимлагичлар қўрилади. Олот насос станцияси таъмирланиб, янги электр линияси барпо этилади. Сув-

ни фильтрлаш иншоотининг қуввати бир кеча-кундузда 14 минг куб метрдан 50 минг куб метрга етказилди. 2010-2012 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган ушбу лойиҳа учун жаҳон банки томонидан 12 миллион АКШ доллари миқдорда имтиёзли кредит ажратилади.

Бир пайтлар ариқдаги лойча суви тиндириб, истеъмол қилардиқ, — дейди Олот туманидаги Оқўлат қишлоғи-

да яшовчи 73 ёшли отахон Пулат Амиров. — Ҳозир водопровод жўмрагидан тоза ичимлик суви оқиб турибди. Хукуматимизга раҳмат. Энг чекка қишлоқларни ҳам водопроводлаштириш тадбирларини кўраётти. Биздан эса обихаётнинг ҳар томонидан оқилна фойдаланиш талаб қилинаётти, халос.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: фермер Самад бобо Абдураҳмонов. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўтган йили вилоят марказида ўтказилган "Қовун сайли" кўриктанлови нарпайлик фермер Ваҳоб Равшанов учун унутилмас воқеа бўлиб қолди.

— Гап танлов голиби бўлиб, 1-даражали диплом ҳамда рангли телевизор билан тақдирланганимда эмас, — дейди у. — Энг асосийси, бу танлов ўзимга бўлган ишончим ва фермерликка бўлган меҳримнинг янада ошишига туртки бўлди, фикрлаш доирамини кенгайтирди.



Киройи уй шундай бўлса...

Чунки ўша тадбирда фақатгина ишлаб чиқариш ёки ҳосил салмоғи ҳақида эмас, кўпроқ турмуш тарзини яхшилаш, замонавий техника, компьютер технологиялари биланини ўлаштириш тўғрисида фикрлар юритилди. Гапнинг рости, шу пайтга қадар биз, фермерлар режан, ҳосилдорликни ошириш йўлида елбоғ-югурар эканмиз-у, оилавий турмуш тарзини юксалтириш, ўзимиз учун қулай шарт-шароит яратиш ҳақида деярли ўйлаб кўрмаган эканмиз.

Фермернинг 42,2 гектар ери бор. Асосан пахтачилик ва гапачилик билан шуғулланади. Ҳар йили ҳар икки тармоқдан юқори ҳосил кўтаради. Масалан, ўтган йили олинган даромад ҳисобига Беларусдан ўн бош зотли сизир сотиб олди. Уй-жой шарт-шароитини яхшилади. Энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмасини харид қилди. Бир йўла икки фарзанди — Асрор ва Абборга келин туширди.

Биз фермерларни энг хурсанд қиладигани — меҳнатимизнинг қадрланаётгани, — дейди Нарпай туманидаги "Ойтула" фермер хўжалиғи раҳбари Гофур Эшқувватов. — Президентимиз «Турмуш шарт-шароитини яхшила, иморат кўр, машина ол, фарзандинг-

ни ўқит, уларга меҳр бер», деяпти. Қачон бизга бундай имконият берилган? Ўтган йили оилам, фарзандларим учун янги уй кўрдим. Оқтошдаги гишт заводидан 56 минг дона гишт сотиб олдим. Уй, гараж, ҳаммом — ҳаммасига етди. Ҳовлим ёнидан ишчиларимиз учун алоҳида яна бир иморат солдирдим. Унда дам оlish, ювиниш, кийиниш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Туманимизда Ваҳоб Равшанов ва Гофур Эшқувватов каби шижоатли фермерлар

кўп, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлимининг мутахассиси Равшан Абдураҳимов. — Айни пайтда мавжуд 20546 гектар экин майдони 478 нафар фермер иштироғида берилган. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши қишлоқларимиз ободончилиғига хизмат қилиш билан бирга, фермерларнинг жамиятдаги нуфузини ҳам ошириб юборди. Чунки энди фермер хусусий мулк эгаси. Унинг қўлида давлатимиз ва миллатимиз тараққиёти, ўз манфаатига хизмат қилувчи бебаҳо бойлик — ер бор.

Абдурусул САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоеси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўлаемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбидинов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳат — Ҳ. Тошқўжаев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.15
Тошпирилди — 22.35
1 2 3 4 5